Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 26-mart, payshanba, № 39 (3544)

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасидан

Халқаро кўргазмалар

“Ўзэкспомарказ”да озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ускуналарининг XV “WorldFood Uzbekistan — 2015” ҳамда қишлоқ хўжалиги технологияларининг X “AgroWorld Uzbekistan — 2015” халқаро кўргазмалари очилди.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

Мазкур кўргазмалар Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, «Ўзулгуржисавдоинвест», Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, «Ўзвинсаноат» холдинг компанияси томонидан “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Испания, Италия, Бельгия, Венгрия, Польша, Исроил, Хитой, Россия, Эрон, Корея, Литва, Эстония, Бирлашган Араб Амирликлари каби 30 га яқин мамлакатдан 180 дан ортиқ компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Иккита павилон ва очиқ майдонда жойлашган экспозициялар орасида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, уруғлар, қишлоқ хўжалиги техникаси, парранда-чилик ва чорвачилик маҳсулотларига кенг ўрин ажратилган. Хорижлик иштирокчилар орасида сут ва мевани қайта ишлаш технологиялари, қадоқлаш ва ўраш, музлатиш ускуналари, совутиш, иссиқхона тизимлари, озиқ-овқат, қандолат маҳсулотларини таклиф этаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

Кўргазмаларга келаётганлар ва қизиқиш билдираётганлар учун бу йилдан бошлаб мобил илова жорий қилинди. Унда павилонлар ва экспозицияларнинг жойлашиши, маҳсулотлар тури, иштирокчи компаниялар рўйхати ва бошқа зарур маълумотлар ўрин олган.

ЎзА.
ЎзА фотомухбири
Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар

Сўз — халқаро кузатувчиларга

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ЎзА мухбирларига мамлакатимиз тараққиёти, иқтисодий ва демократик ислоҳотлар самаралари ҳақидаги фикрларини баён этди.

ЎЗБЕКИСТОН — ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН, КЕЛАЖАГИ БУЮК МАМЛАКАТ

Дарио ЧИТАТИ, Олий геосиёсий тадқиқотлар ва турдош фанлар институтининг “Евросиё” дастури раҳбари (Италия):

— Ўзбекистон — изчил ривожланаётган давлат. Бу мамлакатингиз ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсишида яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти жуда юқори. Илк бор Тошкентни кўрганимда, унинг тароватидан жуда ҳайратланган эдим. Шаҳрингизнинг мукаммал инфратузилмаси, миллий ва замонавий руҳни ўзида мужассам этган гўзал қиёфаси менда доимо унутилмас таассурот уйғотади. Қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ноёб тарихий обидалари ва жозибаси билан барчани ўзига жалб эта олади.

Сайлов куни Хива шаҳрида овоз бериш жараёнларини кузатаман.

Ду ЯНЬЦЗЮНЬ, Замонавий халқаро алоқалар академияси президенти ёрдамчиси (Хитой):

— Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини яхши биламиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, деган алоҳида модда жой олгани диққатга сазовор. Зеро, бу тамойил мен билган бошқа ҳеч бир конституцияда учрамайди.

Мамлакатингизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи юксалиб бормоқда. Улар муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган учрашувимизда турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Стратегик шериклик даражасига кўтарилган Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётир. Давлатларимиз раҳбарларининг мунтазам алоқалари, бир-бирига бўлган ҳурмати ва ишончи, халқларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги натижасида Хитой — Ўзбекистон муносабатларини кенгайтириш, ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ижобий самаралар бермоқда.

Президент сайлови нафақат яқин беш йиллик, балки узоқ келажакка дахлдор муҳим жараёндир. Халқингиз буни чуқур англаб, сайловолди ташвиқотларини диққат билан кузатиб бормоқда. 29 март куни улар ўз фикрларини эркин ифода этиб, мамлакатингиз келажаги учун овоз беришига ишонаман.

Кюдзо КАТО, археолог олим, (Япония):

— Ўзбекистон барча жабҳаларда катта муваффақиятларга эришмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари аҳолининг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун кенг қулайлик яратаётир.

Ўзбекистоннинг тарихи жуда бой ва бетакрор. Халқингиз жаҳон илм-фани, маданияти ривожида муҳим ўрин тутган. Мен кўп йиллар мобайнида Далварзинтепа, Қоратепа каби тарихий ёдгорликларда ўзбек олимлари билан ҳамкорликда олиб борган илмий изланишларим жараёнида бунга амин бўлганман. Мамлакатингизда аждодлардан қолган бой маданий меросни — тарихий обидаларни асраб-авайлаш, цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг номини тиклаш, илмий меросини ўрганиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани таҳсинга сазовор.

Японияда туғилган бўлсам-да, Ўзбекистонни ўз Ватаним деб биламан. Шу боис Ўзбекистон ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнда кузатувчи сифатида иштирок этаётганимдан жуда хурсандман.

Герхард БИРКЛ, “Silk Road” маданий-жамоат компанияси директори (Германия):

— Ўзбекистонда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда самарали ислоҳотлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Мамлакатингизда жамиятни демократлаштириш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган оқилона сиёсатга асосланган янгиланишлар юксак самаралар бераётир.

Ташкилотимиз 2013 йилда “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон тарихи ва бугуни, маданияти, урф-одат ва анъаналари, шаҳар ва қишлоқлари, миллий таомлари ҳақида ҳикоя қилувчи махсус веб-сайт яратган. Келгусида ушбу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш устида иш олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистонда Наврўз байрами тантаналарида иштирок этишни кўп йиллардан буён ният қилар эдим. Орзуимга эришганимдан жуда бахтиёрман.

Мамлакатингиз ёшларининг ҳар жабҳада фаоллигига ҳавасим келди. Улар замонавий технологияларни чуқур эгаллаган, билимли, бир неча тилда эркин сўзлаша олади. Бундай улкан бойликка эга мамлакатнинг келажаги албатта буюк бўлади.

ЎзА мухбирлари
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

Муқаддас бурч

Андижонда муддатли ҳарбий хизматни ўташга киришган аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар, аскарларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида замонавий қурол-аслаҳа ва профессионал ҳарбий кадрлар билан таъминланган, ихчам ва тезкор миллий армиямиз шакллантирилгани таъкидланди.

АСКАРЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

— Ҳарбий қасамёд маросимининг бундай тантанали ўтказилиши хизматни янада муваффақиятли ўташимиз учун улкан маънавий куч беради, — дейди сурхондарёлик оддий аскар Бахтиёр Очилов. — Бу тадбир бир умр ёдимдан чиқмайди.

Қасамёд қабул қилган аскарларнинг барчасининг юзкўзида юртимиз мудофааси қудратини мустаҳкамлаш, Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга камарбасталик ҳар бир йигитнинг шарафли бурчи эканини чуқур ҳис этаётгани акс этиб турибди.

— Бугунги тадбирга набирам Акбаржонни қутлаш учун келдик, — дейди нукуслик меҳнат фахрийси Седулло Туремуродов. — Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган аскарларимизнинг бўйбастини кўриб қалбим ғурурга тўлди. Шундай мард ва жасур ҳимоячиларимиз бор экан, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлаверади.

Ҳарбийлар томонидан намойиш этилган кўргазмали чиқишлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов сўзга чиқди.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ
ЎзА мухбири

Конференция

Тошкентда «Аутизм: инновацион ечимлар ва ҳаракатлар стратегияси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бошланди.

ҲАР БИР БОЛАГА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Тадбир Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen Yolg‘iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан ташкил этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар мутахассислари, жамоат ҳамда нодавлат ташкилотлари вакиллари, Австрия, Исроил, Хитой, Франция ва Грециядан экспертлар иштирок этмоқда.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва «Sen Yolg‘iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳомийлик кенгашлари раиси Л.Каримова-Тиллаева, соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, халқ таълими вазири У.Иноятов, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Ризаев ва бошқалар мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Бу борада жисмоний имкониятлари чекланган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, жамиятимизга мослашувига ёрдам берилмоқда. Ушбу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур илмий-амалий конференциянинг ўтказилиши жаҳонда аутизм билан касалланганлар сони кўпайиб бораётгани, бундай беморларни ўқитиш, тарбиялаш ва жамиятга мослаштириш муаммосига турлича ёндашувлар, ушбу соҳадаги замонавий илм-фан ютуқлари ҳамда илғор халқаро амалиёт асосида ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати билан боғлиқдир.

Конференция қатнашчилари аутизм муаммосини ҳал этиш амалий инновацион тадқиқотлар ўтказиш ва бу тадқиқотлар натижасида аутизм билан касалланган болаларни жамиятга мослаштириш имконини берадиган янги, самарали дастур ҳамда технологиялар ишлаб чиқишни тақозо этишини таъкидлади. Бу борада барча мутахассислар — педагоглар, психологлар, шифокор ва дефектологларнинг ижтимоий шериклиги муҳим аҳамият касб этади.

Чет эллик мутахассислар Ўзбекистонда ижтимоий шериклик асосида аутизм белгилари бор болаларга аниқ мақсадли ва манзилли ёрдам кўрсатилаётганини алоҳида қайд этди. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази “Sen Yolg‘iz Emassan” республика жамоатчилик болалар жамғармаси билан ҳамкорликда ушбу йўналишда қатор ижтимоий лойиҳалар ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказмоқда. Масалан, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳузуридаги Ахборот-консалтинг хизмати базасида аутизм касаллигига чалинган болалар ва уларнинг оилаларига комплекс психологик ёрдам кўрсатилаётир. Психолог билан алоҳида машғулотлар, гуруҳ ўйинлари, мавзуга оид хоналар ва сузиш ҳавзасида машғулотлар ўтказиш, табиат қўйнида биргаликда сайр қилиш, бундай болаларнинг ота-оналари учун ўқув ва релаксация тренинглари ҳамда ахборот семинарларидан иборат мақсадли дастур ишлаб чиқилган. Самарали хориж услублари фаол жорий этилмоқда, чет эллик етакчи мутахассислар иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилмоқда.

— Ўзбекистонда аутизм муаммоси чуқур ўрганилмоқда, — дейди грециялик мутахассис Димитриос Николас Сакеллион. — Олимлар, психологлар, психиатр ва бошқа мутахассислар ҳамкорлиги салмоқли натижалар бермоқда. Улар томонидан ишлаб чиқилган комплекс ёндашув Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида самарали қўлланиляпти ва биз марказнинг бу борадаги фаолияти билан яқиндан танишдик. Келажакда ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказишда ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорликни давом эттирамиз.

Конференция иштирокчилари аутизмни аниқлаш ва даволашнинг инновацион усулларидан фойдаланиш, бу борада ҳамкорликни кенгайтириш масаласи бўйича фикр алмашди.

Халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

“БАҲОР СИМФОНИЯСИ” ДИЛЛАРГА ЗАВҚ БАҒИШЛАДИ

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 25 март куни Ёшлар йиғма симфоник оркестри ва истеъдодли ёш опера ижрочилари иштирокида “Баҳор симфонияси” деб номланган концерт бўлиб ўтди.

Унга давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун келган чет эллик меҳмонлар, мусиқа ихлосмандлари таклиф этилди.

Инсон маънавиятини юксалтириш, унинг қалби ва онгида эзгу ғояларни қарор топтириш, миллатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни, маданий-маърифий ришталарни мустаҳкамлашда мусиқа санъатининг аҳамияти беқиёс.

Мамлакатимизда мусиқа санъатининг барча йўналишларини изчил равнақ топтириш, соҳа вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда турли танлов ва фестиваллар истеъдодли ёшларни аниқлаш, улар қалбида санъатга меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, қобилияти ва салоҳиятини намоён этиши учун кўмак бериш, ижодий ҳамкорликни кенгайтириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

●○●●▶ 2

2015-yil 26-mart, payshanba, № 39 (3544), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Йиллар ўтаверади, даврлар алмашаверади, аммо озодлик ва инсонпарварлик ғоялари, қаҳрамонларни хотирлаш ва ёнимиздаги инсонларни эъзозлашни ўзида мужассам этган маънавий қадриятларимиз мангу яшайверади. Хотира ва қадрлаш куни мустақил Ўзбекистон халқи ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга муҳим санадир.

УРУШ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

ЎзА суратчи

Тарихий хотирасиз — келажак йўқ. Ўз тарихини билмайдиган халқнинг истиқболи ҳам бўлмайди. Шунинг учун фахрийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш халқимизга хос азалий юксак фазилатлардандир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда яшаган 6,5 миллионга яқин аҳолининг 1,5 миллиондан зиёди фронтга кетган. Ўша даҳшатли урушда 500 мингга яқин юртдошимиз ҳалок бўлган, минглаб норғул йигитлар бедарак йўқолган. Кўпчилиги эса майиб-мажруҳ бўлиб қайтган. Бу рақамлар халқимизнинг фашизм устидан қозонилган Ғалабага қандай катта ҳисса қўшганидан далолат беради.

Шу боис, истиқлол йилларида мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ўз жонини қурбон қилган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштиришга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида ташкил этилган Хотира майдонларидаги хотира китобларида уруш йилларида ҳалок бўлган ва бедарак кетганларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Бу уларнинг мардлиги ва жасорати эътирофи бўлиб, биз, авлодларни ушбу уруш фожиасидан сабоқ чиқаришга даъват этади, айни пайтда мамлакатимизда инсон хотираси абадий, қадр-қиммати муқаддас эканини тасдиқлайди.

Бугунги дориломон кунларда биз билан бирга умргузаронлик қилаётган фахрийларимиз доимий давлатимиз эътиборида бўлиб келмоқда. Фахрийларга ҳар томонлама юксак ҳурмат ва ғамхўрлик кўрсатилиб, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Хусусан, уруш иштирокчилари ва фронт орти фахрийларига пенсия ва нафақаларидан ташқари бошқа ижтимоий ёрдамлар ҳам кўрсатилмоқда. Бу уларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, санаторий ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия мосламалари, ногиронлик аравачалари ва бошқа зарур воситалар, жамоат транспортида бепул юришини таъминлашда ўз ифодасини топмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилингани уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уруш йилларида улар кўрсатган жанговар ҳамда меҳнат жасорати муносиб баҳоланаётганининг яна бир амалий намоёнидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган ва фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги байрам қилинадиган жорий йилда Хотира ва қадрлаш куни алоҳида мазмунмоҳият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Баҳорнинг бугунги илиқ кунларида мамлакатимизнинг барча жойларида Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Шу куни барча шаҳар ва қишлоқларимизда фахрийлар байрам билан қизғин муборакбод этилади. Вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, бошқа ташкилот ва муассасалар маҳаллалар, корхоналар, ўқув муассасалари, истироҳат боғлари ва музейларда уруш ҳамда меҳнат фахрийлари иштирокида байрам тадбирлари ўтказади. Фахрийларимиз учун тарихий шаҳарларга саёҳатлар ва ёшлар билан учрашувлар ташкил этилади.

— Бу йил 88 ёшга тўлган бўлсам-да, 14 ёшимданоқ Ғалаба учун меҳнат қилишни бошлаганимни яхши эслайман, — дейди меҳнат фронти фахрийси Евгения Дмитренко. — Уруш йилларида ҳарбий самолётлар учун электр чироқлари ишлаб чиқарадиган ҳарбий заводда монтажчи бўлиб ишладим. Уруш миллионлаб одамларни ҳаётдан бевақт жудо қилди, яна миллионлаб кишилар бошига битмас азобуқубатлар солди. Яратганга шукрки, бугун мамлакатимиз — жонажон Ўзбекистонимизда тинч ва осуда ҳаёт ҳукм сурмоқда, кўп миллатли Ўзбекистон халқи аҳил ва иноқ яшамоқда. Энг муҳими шу. Айниқса, мустақил Ватанимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ўзгаришларда иштирок этаётганимиздан биз, фахрийлар жуда ҳам хурсандмиз. Фахрийларни фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги эсдалик юбилей медали ва пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги давлатимиз раҳбарининг фармони биз, ёши улуғ инсонларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани, меҳнатимиз муносиб қадрланаётганидан далолатдир.

Ота-боболаримиз анъаналарини давом эттириб, миллий қадриятларимизни эъзозлаб келаётган халқимиз, айниқса, ёш авлодимиз мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва барқарорликнинг қадрини яхши билади, дунёга довруқ таратган буюк аждодлар авлоди экани билан фахрланади.

ЎзА

"БАҲОР СИМФОНИЯСИ" ДИЛЛАРГА ЗАВҚ БАҒИШЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Юртимизнинг турли ҳудудларида жаҳон андозаларига жавоб берадиган олий, ўрта махсус таълим, маданият ва санъат масканлари барпо этилиб, мавжудлари реконструкция қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори навқирон авлоднинг бадиий-эстетик дидини тўғри тарбиялаш, кўплаб ёш истеъдодларни юзага чиқаришда янги уфқларни очиб берди.

Мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш борасидаги ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон ёшлари ҳар йили нуфузли халқаро кўрик-танловлар, санъат фестивалларида, концертларда муваффақият қозониб, совринли ўринларга сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Шарқ тароналари», «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Тошкент баҳори» каби нуфузли фестиваллар истиқлол йилларида мусиқа санъатининг барча йўналишларида эришилган улкан ютуқ ва марраларни мухлисларга намоён этишда, бу борадаги ижодий муҳолотни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг самарасида ўзбек дирижёрлик, созандалик, вокал, бастакорлик, опера ижрочилиги мактаблари анъаналари янада бойиб бормоқда. «Competizione dell'Opere» опера ижрочилари халқаро танлови, «Ёшлик баҳори» санъат фестивали, «Она юрт оҳанглари», «Созлар навоси» каби ёш мусиқачилар танловларининг муваффақиятли ташкил этилаётгани янгидан-янги истеъдод соҳибларини кашф этиш билан бирга, ўзбек мусиқа санъатининг жаҳон миқёсидаги ихлосмандлари тобора ортиб боришида муҳим омил бўлмоқда. "Ниҳол" мукофотининг таъсис этилгани мусиқанинг барча йўналишлари бўйича ёш истеъдодларни аниқлаш, уларни кенг жамоатчиликка таништириш, ижодини янада юқори босқичга кўтаришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

...«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи мусиқа ихлосмандлари билан гавжум. Камалакранг нурлар, ранг-баранг чироқлар саройга янада жозиба, шукуҳ бағишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон миллий симфоник, камер, халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур концертдан кўзланган мақсад навқирон авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд этиш, уларнинг истеъдодини камол топтириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, опера санъатини ёшлар ўртасида кенг оммалаштиришдан иборатдир.

Ёшлар йиғма симфоник оркестри ҳамда опера ижрочилари таркибида нуфузли халқаро танловлар совриндорлари кўп. Раҳим Мирзакамолов, Рамз Усмонов, Женисбек Пиязов, Жаброил Идрисов, Маъсума Болтабоева, Барно Исматуллаева, Ширин Маматова, Милена Матмусаева каби истеъдодли опера ижрочилари билан бирга, Тоҳир Усмонов, Алирна Қориева, Бобур Муҳаммаджонов, Даврон Ҳошимов сингари ёш мусиқачилар Франция, Италия, Австрия, Руминия, Беларус, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда ўтказилган халқаро танловлар, ижодий фестивалларда муваффақият қозонган. Бу ёшлар халқимизнинг умидли юлдузларидир. Айни пайтда уларнинг ижроси, эришган ижодий ютуқлари мустақиллик йилларида юртимизда санъат ривожига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг нечоғли юксаклигидан дарак беради.

Жаҳон ва ўзбек композиторлари ижодидан энг сара намуналар, машҳур операларидан ариялар, куй-қўшиқларни томошабинлар ҳаяжон ва завқ билан кутиб олди. Жорж Бизенинг "Тореодор қўшиғи", Лео Делибнинг "Гуллар дуэти", Карл Орфнинг "Омад", Томазо Албионининг "Адажио" каби машҳур асарлари билан бирга, Манас Левиевнинг "Ўрик гуллаганда", "Оқ лолалар" қўшиқлари, Сулаймон Юдаковнинг "Майсаранинг иши" операсидан Ҳожи дарға арияси томошабинларда унутилмас таассурот уйғотди. Мусиқа мазмунига уйғун тарзда саҳнадаги улкан монитор орқали намойиш этилаётган лавҳалар асар моҳиятини, унинг фалсафаси ва таъсирчанлигини янада яққолроқ англашга хизмат қилади. Кўкламнинг жозибаси ва гўзаллиги мусиқанинг сеҳрли ва мафтункор оҳанглари воситасида чинакам баҳор симфонияси тарзида саҳнага кўчганини ҳар бир томошабин дилдан ҳис этди.

— Ўзбекистон бетакрор санъати ва маданияти билан ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади, — дейди Буюк Британиянинг "Earth Times" онлайн журнали муҳаррири Дэвид Армстронг. — Бундай муҳташам саройда истеъдодли ёш опера ижрочилари иштирокидаги концерт бизда катта таассурот уйғотди. Ўзбекистон ёшларининг жаҳонга машҳур композиторлар асарларини юксак маҳорат билан ижро этиши таҳсинга лойиқ.

— Мамлакатимизда истеъдод соҳибларига кўрсатилаётган эътибор бизни янада юксак марраларга ундайди, — дейди «Ниҳол» мукофоти совриндори Женисбек Пиязов. — Кўпгина халқаро танловларда иштирок этган бўлсам-да, жонажон Ўзбекистонимиздаги шундай маҳобатли саройда куйлаш биз учун шараф ҳамда улкан масъулиятдир.

— Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик юксак марралар сари интилишимизда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Тошкент автомобил-йўллар институти талабаси Ойшабону Анварова. — Концертда санъаткор тенгдошларимизнинг маҳоратидан ҳайратга тушдик. Бу концерт мамлакатимиз навқирон авлоди ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётганини яна бир бор намоён этди.

Концертда жаҳон ва ўзбек опера санъатининг энг сара намуналари ижро этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

▽Сайлов — 2015

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!

Муҳим сиёсий воқеа — мамлакатимиз Президентлигига сайлов арафасида турибмиз. 80 ёшга яқинлашиб қолган Норматжон бобом биз, набираларига мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, дастурхонимиз тўкинлиги ўз-ўзидан бўлмаётганини бот-бот таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда барча соҳа вакиллари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Тадбиркорлар, фермерларимиз эришаётган ютуқлар, тенгдошларимиз томонидан забт этилаётган марралар бунга яққол мисол бўла олади. Жумладан, мен таҳсил олаётган коллежда ёшларнинг етарли билим олиши, келажакда зўр мутахассис бўлиб етишиши учун барча шароит яратилган. Ўқув қуроллари, касб ўрганиш учун техника, ўқув ишлаб чиқариш машғулотлари учун хомашё билан таъминланган. Ўз касбининг моҳир усталари бизга сабоқ беради.

18 ёшга тўлганман. Сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эгаман. Сайловга бобом билан бирга боришни режалаштириб қўйдик. Мустақиллик, тинчлик, ободлик ва фаровонлик бардавом бўлиши учун овоз бераман!

Иззатжон НОРМАТОВ,
Қўқон автотранспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси

***

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 957 та сайлов участкаси тузилган. Вилоятда 2 миллиондан ортиқ фуқаро сайловчи сифатида рўйхатга олинди.

Барча участкаларда зарур шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Қўшработ туманидаги 305-сайлов участкасида тайёргарлик жараёни изчиллик билан олиб бориляпти. Сайловчилар рўйхати тузилган. Участка барча сиёсий партиялар нашрлари, номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланган. Тиббий хизмат, оналар ва болалар хоналари жиҳозланиб, овоз бериш кабиналари ўрнатилган.

— Ҳудуддаги фуқароларнинг сайловда эркин иштирок этиши учун барча зарур ишлар амалга оширилди, — дейди участка сайлов комиссияси аъзоси Фарҳод Алманов. — Участкага келиш имкониятига эга бўлмаган беморлар, ногиронлар, кексалар учун махсус кўчма қутичалар мавжуд. Сайлов куни комиссия вакиллари қутичаларни элтиш тартиби, бундай фуқароларга эркин сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиши учун имконият яратиш қоидалари билан таништирилган.

Комиссия аъзолари томонидан илк бор сайловда иштирок этаётган ёшлар билан учрашувлар ташкил этиш, уларга сайловнинг мазмун-моҳияти, юрт равнақидаги аҳамиятини тушунтириш бўйича ҳам муайян ишлар қилинмоқда.

— Сайловда илк бор иштирок этаман, — дейди Отабек Саидов. — Сайлов участкасида бир неча бор бўлиб, овоз бериш қонун-қоидаларини ўргандим. Номзодлар дастури билан танишиб чиқдим. Гапнинг очиғи, ҳаяжон ҳам йўқ эмас. Ахир мен ҳам ватанимиз тақдирига дахлдор жараёнларда иштирок этиб, фаровон турмушимизни таъминлашга хизмат қиладиган номзодга овоз бераман. Бунинг ўзига хос масъулияти бор, албатта.

Сайлов участкаси вакиллари сайловчилардан тушаётган саволларга батафсил жавоб қайтаришмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
"Ishonch" мухбири

***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилаётган "Мен сайловга тайёрман!" тарғибот лойиҳаси доирасида жойларда уюштирилаётган тадбирларда минглаб ёшлар иштирок этиб, сиёсий дунёқарашини кенгайтиряпти. Айниқса, биринчи марта муҳим сиёсий жараёнда иштирок этаётган ёшларни сайловга оид қонунчилигимиз билан таништиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Чуст тиббиёт коллежида ташкиллаштирилди. Унда тумандаги коллежларда таҳсил олаётган, айни пайтда сайлаш ҳуқуқига эга 200 нафардан зиёд ўқувчи иштирок этди. Ёшларнинг сайлов ҳуқуқларига доир саволларига туман ҳокимлиги мутахассиси Даврон Аралов, Чуст тиббиёт коллежи директори Дилфуза Ҳамроқулова, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши фаоллари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари атрофлича жавоб берди.

Тадбир якунида иштирокчилар мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган Президентлик сайловининг барча жиҳатларини яхши англаб етишганини эътироф этишди.

Миролим ҲОМИДОВ,
"Камолот" ЁИҲ Чуст туман кенгаши раиси

▽Тадбир

Касаба уюшма ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалардан бири, бу кичик бизнес субъектларида, қурилиш ва савдо корхоналарида бошланғич ташкилотлар тузиб, уларга амалий ёрдам кўрсатишдир. Ана шу мақсадда касаба уюшма фаоллари меҳнат жамоаларида бўлиб, учрашувлар ўтказишмоқда.

ИМТИЁЗ

ундан ким қандай фойдаланмоқда?

Шундай тадбирлардан бири Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Олмазор туман кенгаши томонидан ташкил этилди.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг муовини Баҳодир Дадабоев, учрашув моҳиятидан келиб чиқиб, жумладан, шундай деди.

— Мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, тадбиркорликка кенг ўрин берилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Лекин ишлаб чиқаришда кўнгилсиз ҳодисалар учраб тургани кишини ўйга толдиради. Бунинг асосий сабаби айрим корхоналарда меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назорати ўрнатилмаганлигидир. Агар бошланғич ташкилот тузилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси бир маромда ишлаганда, иш шу даражага етиб бормасди.

Тадбирда бирлашма кенгаши бўлим мудирлари Нуршод Ғиёсов ва Равшан Маҳмадалиев жойларда касаба уюшма ташкилотлари тузиш ва уларнинг фаолиятини намунали йўлга қўйиш, Халқаро меҳнат ташкилотининг республикамизда ратификация қилинган конвенциялари ижроси бўйича касаба уюшма ташкилотлари томонидан жойларда олиб борилаётган ишлар самарадорлигига эришиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, тавсиялар беришди.

Учрашув қатнашчилари саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Неъмат РАФИҚОВ,
"Ishonch" мухбири.
Козим ЎЛМАСОВ олган сурат

▽Жамоа шартномаси ижроси

ҲАМИША ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

"ДЭУ Текстил Бухоро" МЧЖ хорижий корхонасида бўлиб ўтган конференцияда 2012-2014 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг сўнгги йилдаги ижроси якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Тадбир иштирокчилари корхонанинг молия ишлари бўйича директори жаноб Бёнг Сун Хван, касаба уюшма қўмитаси раиси Воҳида Ҳамроеванинг ҳисобот маърузаларини ва жамоа шартномаси бажарилишини текшириб борувчи комиссия аъзоси Ибодулла Каримовнинг ахборотини тинглашди. Таъкидланганидек, 750 нафар аъзога эга корхонада жамоа шартномаси ижроси тўлиқ бажарилган.

Ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида эҳтиёжманд оилаларга, янги оила қурган ёшларга, саломатлиги ночор ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшма фаоллари рағбатлантирилди. Имзоланган 3 томонлама шартнома асосида 17 нафар амалиётчи ўқувчи ишга қабул қилинди.

Муҳими, ишчи-ходимлар учун меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги талаб даражасида. Цехлар санитария-гигиена талабларига жавоб беради. Ходимлар меъёр асосида махсус кийим ва пойабзал, шахсий гигиена ҳамда ҳимоя воситалари билан таъминланган. Улар корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилади. Бепул овқатлантирилади. Узоқроқ ҳудудлардан қатнайдиган ишчилар учун махсус автобуслар ажратилган. Яна бир эътиборли жиҳати, тўқимачилар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан эълон қилинган "Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш" кўрик-танловида иштирок этиб, совриндорлар сафидан ўрин олди.

Ўтган йил аъзоларнинг 16 нафари республикамизнинг сўлим санаторийларида дам олдирилди. Эҳтиёжманд 12 нафар хотин-қизга маиший электр жиҳозлари тақдим этилди. Жамоада аёллар ва ёшлар учун яратилган қатор имтиёз ва қулайликлар ҳам эътиборга лойиқ.

Маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш, спорт ишлари ҳамиша диққат марказида. Ушбу мақсадлар учун ўтган йил 60 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Йиғилишда корхонанинг 2015-2017 йиллар учун шакллантирилган жамоа шартномаси тасдиқланди. Унга кўра, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан корхонада ишлайдиган ходимларга кўрсатиладиган ғамхўрлик қўлами янада кенгайтирилади. Малакали, иқтидорли ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг намунавий уй-жойларга эга бўлишига кўмаклашиш, банклардан узоқ муддатли кредитлар олишда ёрдамлашиш каби вазифаларга янада кўпроқ эътибор қаратилиши белгилаб олинди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Қувондиқ Муқумов сўзга чиқиб, галдаги муҳим вазифалар тўғрисида гапирди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 26-mart, payshanba, № 39 (3544), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Реклама ўрнида

O'ZSANOATQURILISHBANK

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, юртимиз иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсиши, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йилдан-йилга сезиларли даражада ортиб бориши таъминланмоқда. Бу жараёнда юртимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг ўрни беқиёс.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАН

Хусусан, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаб бориш мақсадида, ўз молиявий хизмат турларини янгилаб, янада кенгайтириб бораётган республикамиздаги энг йирик банклардан биридир. Таъкидлаш ўринлики, банк томонидан ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, мижозлар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, уларга хизмат кўрсатиш савиясини янада ошириш, мижозларнинг ишбилармонлик имкониятлари ва турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Бугунги кунда банкнинг 500 дан ортиқ тармоқлари мижозларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Айниқса, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг кейинги йилларда эришган молиявий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатлари халқаро нуфузли ташкилотлар томонидан юксак баҳолаётганини эътироф этиш жоиз. Мана олти йилдирки, жаҳоннинг икки энг нуфузли халқаро рейтинг компаниялари — "Stadart&Poor" ва "Fitch Ratings" "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг фаолиятини барқарор, ишончли ва истиқболли, деб топаётгани банк тизимининг тобора юксалаётганлигидан далолат беради.

Мазкур молия муассасаси иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни ўтказиш жараёнларига фаол таъсир кўрсатибгина қолмай, балки унинг ҳозирги замон инфратузилмаси ва базавий тармоқларини ривожлантиришнинг комплекс дастурини ҳам амалга оширмоқда. Иқтисодиётнинг аниқ секторига мақсадли йўналтирилган банк инвестицияси эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг асосий эътибори ўзининг молия бозоридаги мавқеини янада кўтариш, уни ривожлантиришда ижобий кўрсаткичларга эришиш, банк капитали, активлари ва ресурслар базасининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга, мижозлар билан мунтазам мулоқотда бўлиб туриш, уларнинг муаммоларига эътибор қаратиш, тезкор равишда оқилона қарорлар қабул қилиш ва маълумотларнинг ошкоралигини тўлиқ таъминлаш ушбу молия муассасасининг фаолият мезонига айланган. Айни пайтда банкнинг бир миллиондан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатаётгани ҳам унинг юксак салоҳиятидан дарак беради.

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ УСТУВОР

Президентимизнинг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори доирасида Тошкентдаги Кўргазма Савдо марказида Республика Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси, Банклар Ассоциацияси билан ҳамкорликда банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари VIII йиллик BankExpo — 2015 миллий кўргазмаси ташкил этилди.

Мазкур кўргазма меҳмонлари — тадбиркорлик субъектлари ва мижозлар банк-молия тизимининг сўнгги ютуқлари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, янги технология ва хизматлар билан яқиндан таништирилди.

Жорий йилда ўтказилган кўргазманинг асосий йўналиши мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, кичик тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчилари, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган банк хизматлари бўйича маълумот ва маслаҳатлар беришга қаратилди.

Кўргазмада мамлакатимизнинг барча тижорат банклари қатори "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ҳам муносиб иштирок этиб, ўзининг энг янги технология ва хизматларини намойиш этди. Хусусан, кўргазмага ташриф буюрганлар банк хизматлари акс этган стендлар, тарқатма материаллар, буклетлар ва флаерлар, замонавий хизмат турлари, бизнес лойиҳаларни тузиш, уларни молиялаштириш шартлари, механизмлари ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш тартиблари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси билан яқиндан танишди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан мижозлар учун таклиф этилаётган банк хизматлари кичик бизнес субъектлари, ёш тадбиркорлар, банкнинг мижозлари, олий таълим муассасалари талабалари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, аҳоли ва пойтахтимиз меҳмонларини бефарқ қолдирмади. Банк таклиф этаётган хизматлар бўйича малакали мутахассислар томонидан батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, банк томонидан аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарздорликларини камайтириш мақсадида, юқори фоизли "Коммунал тўловлар учун" махсус омонат тури жорий этилган. Бунда, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда барча турдаги коммунал тўловлар учун йўналтирилмоқда.

— Мен "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг бундай хизматларни йўлга қўйганидан мамнунман. Ушбу омонатга топширган маблағим бўйича ҳисобланган фоизлар, ҳар ойда банк томонидан тўғридан-тўғри барча турдаги коммунал тўловларимга ўтказилмоқда, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" мижози Манзура Аҳмедова. — Менга бу омонат жуда ҳам қулай бўлиши билан бирга, оиламиз даромадининг кўпайишига имкон бермоқда.

Кўргазма доирасида банк томонидан чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, эндигина иш бошлаётган ёш тадбиркорларнинг бандликни таъминлашга қаратилган лойиҳалар бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг "Касб-ҳунар коллежи битирувчисининг энг яхши бизнес лойиҳаси", "Оилавий тадбиркорликнинг энг яхши бизнес лойиҳаси", "Аёл тадбиркорлигининг энг яхши бизнес лойиҳаси", "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг энг яхши бизнес лойиҳаси", "Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг энг яхши бизнес лойиҳаси" номинациялари бўйича ғолиблари эълон қилиниб, уларга имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари — BankExpo — 2015" VIII миллий кўргазмасида "Ўзсаноатқурилишбанк" "Энг фаол инвестицион банк" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

Айниқса, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан тақдим этилаётган банк хизматлари янги замонавий "Infotach" — қурилмасида намойиш этилиши, шунингдек "Шахсий кабинет" хизмат тури тақдимоти кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, кўргазма давомида банк ўзининг замонавий хизматларини тақдим этди. Жумладан:



"Шахсий кабинет" хизмати орқали жисмоний ва юридик шахслар масофадан туриб (уйидан, иш хонасидан ёки ўзига қулай бўлган жойдан) шахсий ҳисоб рақамлари бўйича қолдиқлари ва маблағлар айланиши, берилган кредитларни қайтариши, банкдаги омонатлари бўйича ҳисобланган фоизлар тўғрисидаги ахборотларни, барча турдаги пластик карталаридаги кунлик тўловлари ва қолдиқлари ҳақида маълумотларни, шунингдек, банкда янги очилган омонат турлари бўйича маълумотларни онлайн равишда олиши мумкин.

"SMS-Banking" хизмати орқали банкнинг юридик мижозлари ҳисоб рақамларидаги ўзгаришларни кун давомида мобил алоқа телефонлари ёрдамида масофадан кузатиб туриш, ҳисоб рақамдаги қолдиқ маблағлар, кириш ва чиқиш маблағлари ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Ушбу хизматларга уланиш учун мижоздан шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) ва мобил телефон рақамини банк рўйхатидан ўтказиш кифоя қилади.

"Банк-мижоз" хизмати орқали мижозлар масофадан туриб (уйидан, ишхонасидан ёки ўзига қулай бўлган жойдан) ҳисоб рақамини онлайн тарзда назорат қилиши, тўловлар ўтказиши ва керакли ҳисоботларни олиши мумкин. Ушбу хизматдан фойдаланиш учун компютер интернетга уланган бўлиши кифоя.

"CALL-markaz" хизмати *24/7* режимида узлуксиз фаолият кўрсатади. Мижозлар хоҳлаган вақтда, исталган жойдан (+99871) 200-43-43 телефон рақамига қўнғироқ қилиб, банк фаолияти бўйича барча маълумотларни олиши мумкин.

Бундан ташқари, тўловларни онлайн тарзда ўтишини таъминловчи "Мобил коммунал инспектор" хизмати йўлга қўйилган. Мазкур хизмат орқали аҳоли яшайдиган жойларнинг ўзида барча турдаги коммунал тўловлар қабул қилиниб, маблағлар шу пайтнинг ўзида хизмат кўрсатувчи корхоналарга ўтказилмоқда. Мижозга шу заҳотиёқ тўловлар ўтганлигини тасдиқловчи чек берилади ва мобил телефонига "SMS" хабар келади. Тўловлар нақд пул ёки пластик карточкалар орқали амалга оширилиши мумкин.

Сўз — кўргазма иштирокчиларига

Холёр ХОЛНАЗАРОВ,
"Дур Қушбеги Бизнес" ОК раҳбари:

— Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "BankExpo" кўргазмасида мунтазам иштирок этиб келаман. Ҳар бир кўргазмада, албатта, мижоз учун имтиёз ва қулайликлар жорий этилганига гувоҳ бўламан. Мен доимо барча янгиликларни ўтказилаётган кўргазмалар орқали оламан. Агар ўзимнинг тадбиркорлик фаолиятимга тўхталадиган бўлсам, ташкилотимиз иш бошлаганига 10 йилдан ошди. Асосий фаолиятимиз енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида кредит сўраб "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг Ал-Хоразмий филиалига мурожаат қилдим. 2014 йил декабр ойида хом ашё сотиб олиш бўйича лойиҳамизни банк ходимлари қўллаб-қувватлаб, зарур бўлган 200 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағларини ажратишди. Ушбу маблағ эвазига корхонамизда қўшимча 10 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда корхонамиз айланма маблағларини 1 млрд. сўмдан оширишни режалаштирганмиз. Корхонамиз молиявий имкониятлари кенгайишида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг кўмаги асқотмоқда.

Банкларнинг кредитидан самарали фойдаланиш юксалишга олиб келишини ўз тажрибамда кўрдим. Интилганга толе ёр, деб бежиз айтишмаган экан. Дарҳақиқат, банк билан ҳамкорлигимиз халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилаётганидан хурсандман.

Жамшид ЙЎЛДОШЕВ,
"Hikmatilla tuxum go'sht parranda" МЧЖ раҳбари:

— "BankExpo" кўргазмаси нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Кўргазма мижозларнинг банкларга бўлган муносабатини шакллантириш, ишончни мустаҳкамлаш, замонавий хизмат турларини жорий этиш ва такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилмоқда. Унда "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан таклиф этилаётган хизматлар мен каби тадбиркорлар учун айни муддао бўлмоқда. Ушбу банкда тадбиркорлар учун барча шароитлар, имтиёзлар муҳайё этилган.

Мен "Ўзсаноатқурилишбанк" нинг доимий мижозиман. Кўргазмаларда доимий иштирок этиб, тадбиркорлик билимимни оширдим. Шундан сўнг, паррандачилик соҳасини ривожлантириш учун пухта бизнес лойиҳа тузиб, "Ўзсаноатқурилишбанк"ка тақдим этдик. Банк мутахассислари лойиҳамизни маъқул топиб, 325 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағини ажратди. Лойиҳанинг амалга ошиши натижасида янги иш ўринлари ташкил этилишига эришдим. Ишимиз кун сайин ривожланмоқда. Ҳозирда шаҳримиз аҳолисига тухум ва гўшт маҳсулотларини етказиб бераяпмиз. Энг асосийси, бозорларимиз тўкинлигига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг молиявий кўмагидан миннатдорман. Келгусида ҳам мижозларига суянч бўлган банк билан ишончли ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз.

Тоҳир ОДИЛОВ,
"Sumbula non" МЧЖ раҳбари:

— Банк тизими томонидан ташкил этилаётган бундай тадбирлар банк — мижоз учун, унинг манфаати учун ишлаётганига ёрқин мисолдир. Ушбу кўргазма биз каби тадбиркорларнинг ўз бизнесларини бошлашларида, айниқса, ёшларнинг муқим иш жойига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек интерактив банк хизматларининг жорий этилгани вақтимизни ва ортиқча сарф-харажатларни тежашга имкон бермоқда. Ўтказилаётган бу каби кўргазмалар банк мижозларининг манфаати учун хизмат қилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугун тадбиркорлар учун барча қулайликлар мавжуд. Яратиб берилаётган кенг имкониятлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида муҳим омил бўлмоқда.

Корхонамиз нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, фаолиятимизнинг дастлабки кунидан бошлаб, "Ўзсаноатқурилишбанк" хизматларидан кенг фойдаланиб келмоқдамиз. 2013 йил бошида фаолиятимизни кенгайтириш ва янги замонавий ускуна сотиб олиш ниятида банкнинг Шаҳристон филиалига мурожаат қилгандик. Лойиҳамиз эътибордан четда қолмади. Натижада, 3 йил муддатга 400 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Ажратилган кредит эвазига маҳсулот сифати ҳам ошди. Доимий ҳамкоримизга айланган "Ўзсаноатқурилишбанк" хизматларидан мамнунмиз. Келгусида корхонамиз фаолиятини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини кўпайтиришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозир бозорларда маҳсулотимизга талаб катта. Эндиликда банкнинг молиявий кўмагида маҳсулот турини кўпайтириш ҳаракатидамиз.

Жамоллиддин ЧАҚҚОНОВ,
кўргазма иштирокчиси:

— Кўргазмада иштирок этиб, "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан олий ўқув юртларида тўлов шартнома асосида таҳсил олаётган талабалар учун таклиф этилаётган "Таълим кредити" мен каби талабалар учун жудаям қўл келади. Шунинг учун мен банк мутахассисларидан таълим кредитини олиш тартиб-қоидалари, тўлов фоизлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдим. Янги ўқув йилидан банкнинг таълим кредити асосида ўқишимни давом эттириш ниятидаман.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
кўргазма иштирокчиси:

— Кўргазмада биринчи марта иштирок этишим. Менга "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг миллий валютадаги омонат турлари манзур бўлди. Омонатнинг кўп фоизлиги ва кўп даромадлиги ҳеч бир иштирокчини бефарқ қолдирмайди. Омонатга пул қўйиб нафақат даромадингизни кўпайтириш мумкин, шу билан бирга, олаётган даромадингизни коммунал тўловларга ҳам тўлаб бориш имкони мавжуд экан. Энди мен бўш пул маблағимни "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан таклиф этаётган омонат орқали кўпайтирмоқчиман. Бу омонат мен учун ҳам фойдали ҳам кафолатли.

Жорий йилда ҳам мижозлар манфаати йўлида фаолият кўрсатишни мақсад қилган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ жамоаси тараққиёт ва фаровонлик учун хизмат қилувчи лойиҳаларни доимо қўллаб-қувватлайди. Банк томонидан хизматлар соҳасини кенгайтириш, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун кредитлар ажратиш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Банк материаллари асосида
"Ishonch" мухбири
Жамшид ЭРГАШЕВ тайёрлади

2015-yil 26-mart, payshanba, № 39 (3544), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

▽ Ҳунармандчилик

МОҲИР ҚЎЛЛАРНИНГ ЗАНГОР МАҲСУЛИ

Урганчнинг Ал-Хоразмий кўчаси бўйлаб одимлар экансиз, икки ёндаги гўзал иморатлардан кўз узолмайсиз. Улардаги беназир нақшлар диққатингизни тортади. Нақадар жозибадор бўлмаса булар?! Мумтоз ва замонавий услубларни мужассам этган бу нақшинкор безаклар ижодкори ким экан, деган савол беихтиёр кўнглингиздан ўтади.

Янгиариқ туманидаги Каттабоғ қишлоғида кулоллар сулоласи давом этиб келмоқда. Олланазар Саъдуллаев сулоланинг еттинчи вакилидир. Олланазар аканинг боболари ушбу кулоллик мактабига асос солган ва уни бойитган инсонлардан биридир.

— Уста Шариф бобо, у кишининг ўғли Юсуф бобо замонининг машҳур кулолларидан бўлган, — дейди у. — Юсуф кулолнинг ўғли Қодирберган Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси гумбазининг тахясини саккиз табақа қилиб ислимий нақш этган ва бошқаларга раҳбарлик қилиб, кошинларни деворга ўрнатган. Унинг ишини ўғли уста Матёқуб бобо давом эттирган. Матёқуб бободан кулолчилик ҳунари Отажон бобомизга, у кишидан Султонбой тоғамизга мерос ўтган. Отажон бобомизнинг ҳаёти шўролар даврига тўғри келган. Собиқ тузум даврида миллий ҳунармандчиликка эътибор қаратилмагани сабабли бобомизнинг ишлари сояда қолиб кетган. Кулоллар бу даврда фақат бодия, товоқ ва бошқа идишлар тайёрлаш билан чекланган. Султонбой тоғамиз ясаган буюмлар — коса, лаган, кўзалар хилма-хиллиги, ўта ихчам ва нафислиги билан ажралиб турган. Юртимиз мустақилликка эришгач, Султон устанинг меҳнати қадр топди. У киши қадимий анъаналарни янгича усулда қайта тиклади. Уста ясаган буюмлар шуҳрати дунёга достон бўлди.

С.Отажонов бошчилигида каттабоғлик кулоллар кошинлик санъатини қайта тиклашга ҳаракат қилди. Султон Отажоновнинг бу сайъ-ҳаракатлари 1999 йили юксак баҳоланиб, у «Ўзбекистон халқ устаси» унвонига муносиб кўрилди.

Олланазар ака халқ устасининг жияни бўлади.

Касби иқтисодчи бўлган Олланазар Саъдуллаев узоқ йиллар турли лавозимларда хизмат қилган бўлса-да, боболари ҳунарини давом эттиришга киришди.

— Истиқлол ҳунармандлар учун улкан имкониятлар эшигини очиб, тоғам Султонбой Отажоновнинг ҳам иш қўлами кенгайиб борарди, — дейди О.Саъдуллаев. — Бироқ барча юмушга улгура олмасди. Ёш кулолларни бирлаштириш, уларнинг маҳоратини оширишга кўмаклашиш, маҳсулот сифатини ошириш, ноёб ишқор ва бошқа хом ашёларни топиш... Бу ишларни мен ўз зиммамга олдим.

Аслида, кулоллик сирлари Олланазар акага болаликдан таниш. Отажон бобо, Султонбой тоғасини чарх устида кўрганида қалби жунбушга келарди.

1999 йили Янгиариқ-Хива магистрал йўли бўйида кулолчилик цехи учун ер майдони ажратиб берилди. Бу ерда мўъжазгина устахона қурилди. Олланазар ака, Баҳодир Отажонов, Одилбек Раҳимов билан аждодлар ҳунарини ривожлантиришга киришди.

— Ишларимиз юришиб кетди. Юртдошларимиз зилол сувга ташна бўлган янглиғ, миллий ҳунармандчилик маҳсулотларига ҳам ниҳоятда улкан қизиқиш билдирдилар, — дея сўзида давом этади О.Саъдуллаев. — Қатор ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, замонавий биноларни кошинлар билан безаш учун буюртмалар ола бошладик.

Урганчдаги Ал-Хоразмий, Ал-Беруний ёдгорлик мажмуалари, Элликқалъа туманидаги Кечирмас бобо, Бухородаги ҳазрати Нақшбанд зиёратгоҳини О.Саъдуллаев жамоаси ясаган кошинлар безаб турибди. Улар рассом С.Қодиров билан яратган "Буюк Ипак йўли" панноси ажойиб асар бўлди. Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан яратилган бу панно Урганч — Хива йўли бўйида Хива шаҳрига киравершда ўрнатилган. Ушбу санъат асари дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган меҳмонларнинг ҳайратига сабаб бўлмоқда. О.Саъдуллаевнинг яна бир улкан асари "Хоразм тарихи" панноси бўлиб, у Урганчдаги "Авесто" боғ-мажмуасига ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Устадан кошинларнинг узоқ муддат қуёш тафти остида ҳам ўз рангини ўзгартирмаслиги сирини сўраймиз.

— Бу, авваламбор, рангларнинг табиий ҳолда тайёрланиши ҳамда маҳсулотнинг жуда катта ҳароратда — 1200 даража иссиқликда пишириб олиниши туфайлидир, — дея тушунтиради О.Саъдуллаев. — Кўҳна Тупроққалъа шаҳрида археологик қазишмалар олиб борган япон олимлари эрамиздан уч минг йиллар аввал ишланган мусиқа чалаётган аёл тасвири туширилган сирчали кошин қолдиқларини топганди. Бу идиш юзага сир бериш неча минг йиллар аввал маълум бўлганини билдиради.

Олланазар аканинг таъкидлашича, Хоразм меъморчилиги ва кулолчилигида оқ, кўк ва зангор ранглардан фойдаланиш устун бўлган.

— Кулолчиликнинг бу турида нилий ранглар юқори туради, — дея тушунтиради қаҳрамонимиз. — Агар қадимий обидаларга назар ташласак, оқ, кўк ва зангори ранглар устунлигини кўрамиз. Чунки оқ ранг қадимдан тозалик, ёруғлик, бахт ва омад рамзи, кўк ранг мовий осмон, ёмон кундан асраш, зангори ранг олий эътиқод рамзини билдирган. Нақшларда ҳам ўзига хос маъно мужассам бўлган. Зангори кулолчилик бугунги кунда Каттабоғ ҳамда Хонқа туманидаги Мадир қишлоғи кулоллик мактабларида сақланиб қолган. Зангори рангни ҳосил қилиш ўта машаққатли ва диққатни талаб қилувчи жараёндир.

Аслида, кулолликнинг ўзи машаққатли ҳунар. Оддий лойни санъат асари даражасига кўтариш учун қунт, сабр, меҳнат ва истеъдод лозим.

— Аввало, тупроқ топишнинг ўзи кишидан зийраклик талаб этади, — дейди уста. — Биз кўпинча заҳкаш остидан олишга ҳаракат қиламиз. Чунки бу тупроқда туз миқдори кам бўлади. Тупроқ олингач, офтобда қуритилади, майдаланади ва элакдан ўтказилади. Шундан сўнггина ундан лой қорилади. Лой икки соатча тепиб-муштлаб пиширилади. Кейин нам матога ўралади. Бир кун ўтгач, яна бир соатча пиширилганидан сўнг зувала олиниб, унга кулоллик чархида шакл берилади.

Натижада, инсон пешона тери эвазига бир-биридан бетакрор идишлар, сувенирлар юзага келади. Шунинг учун ҳам кулоллик нафақат ҳунар, балки санъат ҳамдир.

Олланазар ака ва у кишининг яқинлари бобомерос касбни давом эттириш учун "устоз-шогирд" анъаналарини сақлаб келаётир.

— Мен, Баҳодир Отажонов, Одилбек Раҳимов, Иродахон Саъдуллаева уста мақомига эришганмиз ва ҳунар сирларини фарзандларимизга ўргатиб келаяпмиз. Жиянларимиз Яшинбек ва Зуфарбек Отажоновлар, Шерзодбек Саъдуллаев, Отабек Раҳимов, Мадиёр Отажонов кулолларнинг саккизинчи авлод вакиллари саналади.

Олланазар Саъдуллаев ўз сулоласи ҳақида фахрланиб сўзлашдан чарчамайди. Сулоланинг муносиб давомчиси бўлишга ҳаракат қилади. Уста ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган бир қатор халқаро семинарлар, кўргазмаларда иштирок этган. Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон ҳунармандлар уюшмаси аъзоси сифатида халқ амалий санъати дурдоналарини яратиш борасидаги тажрибалари билан ҳар доим ўртоқлашиб келади. Унинг "Каттабоғ зангори кулолчилик мактаби" рисоласи кулоллик тарихи ҳақида сўзловчи яхши асарлардан ҳисобланади.

— Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони соҳадаги юксалишларни яна бир поғонага кўтарди, — дейди О.Саъдуллаев. — Эндиликда ҳунармандлар ўзларига берилган имтиёзлардан кенг фойдаланиб, қадриятларимизни тиклаш борасида тинимсиз изланиб, янгилик яратишга интилишмоқда.

Бундай ҳунармандлар орасида, шубҳасиз, қаҳрамонимиз ҳам бор. У киши дўстлари, шогирдлари билан ясаган кошинлар мамлакатимизнинг кўплаб вилоятларидаги муқаддас қадамжолар, замонавий иншоотларга кўрк бағишлаб турибди. Шу билан бирга, АҚШ, Германия, Франция, Янги Зеландия, Италия давлатларига ҳам кошин нақшлари юборилган.

Кошинлар нафақат бетакрор нақшлар, балки, миллий ўзлигимизни мужассам этган бебаҳо қадриятларимизнинг бир парчаси ҳамдир. Ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда кулолликнинг алоҳида ўрни бор. Аждодлар меросини асраб-авайлаб, уни келажак авлодга етказишга бел боғлаган Олланазар Саъдуллаев каби инсонларнинг борлиги, халқ амалий санъатини дунё миқёсида тарғиб қилиб келаётганлиги таҳсинга сазовордир.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Бу қизиқ

Уяли алоқа телефони тобора оммалашиб бораётганига ажабланмай ҳам қўйдик. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур алоқа воситасидаги ўрнатилган тарона орқали эгасининг феъл-атворини ҳам билиш мумкин экан. Уяли телефондан янграйдиган товуш ёки тароналар "рингтон" деб аталади.

«ГУДОК» ЎРНИДАГИ ТАРОНА

нимадан дарак беради?

Дейлик, эркак кишининг уяли телефонидан қувноқ тароналар, кўнгилочар хандалар, қаҳқаҳалар сигнал ўрнида янграса, билингки, у оққўнгил, хушчақчақ киши. Бундай сигналли телефон эгаси билан мулоқот зерикишдан, бирхилликдан холи бўлиш демакдир.

Телефоннинг сигнали эшитилар-эшитилмас бўлган эркак синчков ва мулойим табиатлидир. У бировларни безовта қилишдан чўчийди, шу боис телефони ҳам деярли товушсиз, вибрацияда бўлади, холос. Бироқ у бироз одамови ва унинг юрагида нима борлигини тушуниш жуда мушкул.

Ишончли классик русумдаги телефонлардан ва анъанавий сигнал оҳангларидан фойдаланишни афзал кўрадиган эркак учун вафо, садоқат биринчи ўринда туради. Оилавий қадриятлар унинг учун шунчаки қуруқ сўзлар эмас, у ҳақиқатдан ҳам ажойиб оилапарвар, яқинларига ғамхўр инсондир.

Сўнгги нусхадаги "Iphone"нинг хўжайини бўлган эркак телефон сигналларини кўп ўзгартиради, хаттоки ҳар бир суҳбатдоши учун алоҳида рингтон ўрнатиши ҳам мумкин. У янгиликларни доимо кузатиб боради, илғорликка, етакчиликка интилади. Аёллар бундай эркакка бемалол ишониши мумкин, аммо у анча сабрсиз ва ҳаддан ташқари "чаққон". Бундай табиатли эркак билан яшаш осон бўлмайди, албатта.

Уяли телефондан қушлар сайроғи ёки романтик тароналар янграйдиган мобил телефон эгасини сезгир, олижаноб эркак деб баҳолаш мумкин. У табиатга ҳам, атрофдаги кишиларга ҳам меҳрибонларча муносабатда бўлади. Шунчалик таъсирчанки, яхшигина мелодрамма ҳам, ёқимтой жонивор ҳам унинг қалбини ларзага келтира олиши мумкин. Бундай эркак ўз ҳаётига осойишталик олиб кирган аёлни бахтли қила олади, фақат у билан бирга узоқ ва ширин ҳаёт кечириш учун аёлдан эътиборли ва зийрак бўлиш талаб этилади.

Эркаклар қандай ўйлайди? Аёл кишининг телефонидаги рок мусиқа оҳанглари эркакларда ёқимли туйғулар уйғотиши даргумон. Зеро, рок устунлик, устуворлик билан уйғунлашади. Эркаклар эса аёлнинг ўзидан устун бўлишини ёқтиришмайди. Телефоннинг кескин рингтонлари ҳам худди шундай реакция қўзғатади. Телефон аппаратлари ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг стандарт тароналари ҳам эркакларда эҳтиёткорлик туйғусини пайдо қилиши мумкин. Улар хонимнинг ортиқча ишбилармонлиги ва ғоятда бандлиги тўғрисида мужмал тасаввурлар туғдиради. Ахир, севимли ёрини фақат мажлислар, хизмат сафарлари орасидаги қисқа даврларда кўришни ким ҳам истарди дейсиз?!

Аёл кишининг телефонидан матни беадаб, ҳаддан ташқари шўх ашула оҳанглари янграса, ҳар қандай эркак бошқача хаёлларга бориши табиий. Шу ўринда қизиқ факт. Оила қуриш ниятидаги эркакларга мултфилмлардан олинган қўшиқлар тароналари жуда ёқар экан. Бундай тароналар кишида беихтиёр ўзаро ишонч туйғусига йўл очади. Романтик ёки ўйноқи тароналар эса мафтункор жозибага эга бўлиб, телефон соҳибаси билан танишишга ҳоҳиш уйғотади.

Феруза БОБОХОНОВА
тайёрлади

Дуонинг хосияти

ҲАР СЎЗИ ЖАВОҲИР

Кўчада кетаётган ўспиринниг бехосдан бир онахонни туртиб юборганига кўзим тушди. Кампирнинг қўлидаги сумкаси тушиб, ўзи бироз мувозанатини йўқотди. Йигитча эътибор қилмай қадамини тезлатди. Ортдан келаётган эр-хотин эса онахоннинг ерга сочилган нарсаларини сумкасига жойлашга кўмаклашди. Улар орасида турфа ўйинчоқлар ва олмақандларни кўрган жувон негадир маъюс тортди.

Эр-хотин кампирнинг юкини кўтариб, автобусгача чиқариб қўйди. Ортларидан мен ҳам чиқдим. Кўзлари ёшланган онахон уларга, мана буни олинглар, болаларингга берасизлар, дея сумкасидаги ўйинчоқлардан бирини олиб узатди. Эр-хотин эса нигоҳини ерга қаратганча ўйинчоқларни олмасдан, раҳмат, холажон, дея тушиб кетди. Онахон қўлини дуога очди: умрларингдан барака топинглар, бахтли бўлинглар, серфарзанд, сердавлат бўлинглар...

Орадан кўп ўтмади. Шифохонага бемор танишимни кўргани бордим. У ерда... доктор қабулидан кўзида ёш билан чиққан ўша аёлга кўзим тушди. Йўлакда кутиб турган эрининг ёнига бориб, энди биз ҳам фарзанд кўрамиз, дея ҳаяжон билан гапиргани кулоғимга чалинди. Шу дамда ҳар иккисининг шодлиги ер ўккка сиғмасди...

Кейин билсам, уларнинг фарзандсизликдан қийналиб учрамаган доктори қолмаган экан. Ўша пайтда кўчадаги воқеа хаёлимда жонланди ва аёл нима учун кўзларини ерга қаратганини тушундим. Онахоннинг уларни дуо қилгани кулоғим остида жаранглагандай бўлди. Нуронийларнинг ҳар бир сўзи дуру жавоҳирдан-да қимматли эканини шунда яна бир бор ҳис этдим.

Гулноза МИРЗАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

▽ Наврўз шукуҳи





БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ УЛАШИБ

Наврўзи олам таровати ҳукм сураётган айни кунларда Фарғонанинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам байрам сайиллари бўлиб ўтмоқда.

ЎзКУФК қошидаги Санаторкурортлар бошқармасига қарашли "Чимён" санаторийсида баҳорий айём ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан уюштирилган маданий-маърифий ва спорт тадбирида сиҳатгоҳ ишчи-ходимлари ижросидаги куй-қўшиқ ва рақслар барчада катта таассурот қолдирди. Миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ ўйинлари намойиши янада қизиқарли кечди. Арқон тортиш, кўз бойлаш, тош кўтариш мусобақаларида маҳоратини намойиш этган тиббиёт ходимлари орасидан ғолиблар аниқланди.

Шунингдек, "Ёр-ёр", "Келин салом", "Сумалак сайли", "Бир чимдим кулгу", "Ким олади шугинани" сингари дастурлар, ичакузди томошалар барчанинг кайфиятини кўтарди.

— Кексалари эъзозланган юртда яшаётганимиздан мамнунмиз, — дейди меҳнат фахрийси Й.Эркабоев. — Бугунги чиройли концерт ва томошалар бизга янада кўтаринкилик улашди. Шундай чиройли дастурларни тайёрлаган ташкилотчиларга катта раҳмат. Санаторийда барча шароит муҳайё. Ширин сўзли шифокор ва ҳамширалар дардимизга малҳам бўлмоқда.

Тадбир якунида спорт беллашувлари ва маданий-маърифий дастурларда фаол иштирок этган санаторийнинг бир гуруҳ ходимлари совғалар билан тақдирланди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ishonch" мухбири

Меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, асрлар оша яшаб келаётган қадриятларимизни асраб-авайлаш, Наврўз байрамини кўтаринки тарзда ўтказиш мақсадида Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

САХОВАТ

Байрам тадбирлари асносида Ховос туманида истиқомат қилувчи 200 нафар отахону онахонга совғалар тарқатилди.

— Нуронийларимиз Кексаларни эъзозлаш йилида ҳар доимгидан-да ҳурмат-иззатда, — дейди Ховос туман хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Ижобат Алимова. — Байрам дастурхони тўрида ўтирган кексаларимиз тумандаги ҳомий ташкилотлар ҳамда касаба уюшма совғаларини миннатдорлик билан қабул қилди.

Янгиер шаҳридаги "Мурувват" ногирон аёллар учун интернат уйида бўлиб ўтган тадбир ҳам касаба уюшмалари эътиборидан четда қолмади. Ҳудудда истиқомат қилувчи 59 нафар аёлга бирлашма кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 300-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида "Наврўз — баҳор байрами" мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

Ўқувчилар "Наврўз", "Деҳқонбобо", "Бойчечак", "Баҳор" гуруҳларига бўлиниб, миллий ўйин ва қадриятларга оид берилган савол бўйича баҳслашдилар. Бундан ташқари, миллий қўшиқлар, шеър, тез айтиш, мақол айтиш бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Реклама ва эълонлар

«GOLDEN BUILD TRADING» МЧЖ томонидан ташкил килинган 2015 йил 3 март кунида бўлиб ўтган очиқ Аукцион савдоси натижаси

Т /р	Объектнинг номи ва майдони	Жойлашган жойи	Ҳар бирининг бошлангич баҳоси (сўмда)	Сотилиш баҳоси (сўмда)
1	Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 400,0 кв.метрдан иборат 2 та 1-2-сонли ер майдонлари	Ромитан шаҳар Ф.Хўжаев кўчаси ҳудудидан	228 000	700 000 дан 800 000 гача

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши жамоалари бирлашма кенгаши раиси Равшан Жабборовга онаси **Пошша РАҲИМОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 22:40
Topshirildi — 23:20

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 315 20844 nusxada bosildi 1 2 3 4 5